


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 5 июль, № 130 (6565) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗ ВА ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗ ТИМСОЛИ

Маълумки, куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.




Халқимиз томонидан катта хурсандчилик ва мамнуният билан кутиб олинган мазкур нишон билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ҳамда мудофаа қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувликни, тинчлик ҳамда барқарорликни асраш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ҳамда баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳаси вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланиши белгилаб қўйилган.

Биз бундан 25 йил олдин ўз миллий тараққиётимизнинг асосий шарти ва мезони бўлган истиқлолга эришиб, аввало, миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ҳамда суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда “ўзбек модели” деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга ошираётганимиз, эл-юртимизнинг қадди ва қадри баланд бўлиб, куч-қудратимиз янада ошиб, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражаси ҳамда сифати юксалиб бораётгани эсдалик нишонида ўзининг чуқур ифодасини топганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, кўпни кўрган, меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз бугунги кунда фидокорона меҳнати, беқиёс азму шижоати ҳисобидан улкан ютуқ ҳамда марраларга эришаётгани, барча соҳа ва тармоқлар бўйича Ватанимизнинг қудрати ҳамда салоҳияти тобора юксалиб бораётгани ва табиийки, бунинг натижасида эл-юртимиз ҳар томонлама эркин ҳамда озод, обод ва фаровон ҳаёт кечираётганини нишондаги тасвирлар мисолида яна бир бор кўрамиз ва ҳис этамиз.

Таъкидлаш керакки, эсдалик нишони марказида акс эттирилган Бахтиёр она ҳамда унинг фарзанди қиёфаси халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзи, урф-одат ва анъаналари, олижаноб орзу-интилишлари, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларини, қисқача айтганда, мустақиллик йилларида биз ўз олдимизга қўйган олий мақсад-муддаоларни ёрқин ифода этиши билан алоҳида эътиборни тортади.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик бизга ўз оиламиз, оналаримиз, фарзандларимиз, халқимиз ҳамда Ватанимиз учун яшаш ва меҳнат қилиш, шу йўлда бугунги юксак марраларни эгаллаш имконини берди.

Энг муҳими, истиқлол йилларида шаклланган янги, навқирон авлодимиз ҳозирги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Биз кенг кўламли ислоҳотларимиз йўлида эришаётган янги-янги марраларни аёлларимиз, оналаримиз ҳамда болаларимизнинг бахту саодати учун бахшида этмоқдамиз ва айни шундай буюк мақсад йўлида меҳнат қилиш — энг олий саодатдир. Соғлом ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш йўлида хизмат қилиш — улкан шарафдир.

Шу маънода, нишонда акс эттирилган Бахтиёр она ҳайкалини барча юртдошларимиз мустақил Ватанимиз, ёруғ келажагимиз тимсоли сифатида қабул қилади ва шундай нишонга эга бўлишни ўзи учун юксак шараф, деб билади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз босиб ўтган 25 йиллик тарихга назар ташлайдиган бўлсак, хотин-қизларга, муқаддас она зотига эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатиш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим ҳамда устувор йўналишларидан бири бўлиб келаётгани ва бу йўлда дунё ҳамжамияти эътироф этаётган улкан натижалар қўлга киритилаётганини кўрамиз.

(Давоми 2-бетда).

## Кичик бизнес салоҳияти юксалмоқда

Тарих зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан битилаётган ҳар бир кунимиз бизни чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларига ошно этмоқда. Зеро, юртимизда истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқлар, аҳоли турмуш тарзидаги ўзгаришларнинг кўлами ниҳоятда кенг.

“Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган эзгу ғояни мужассамлаштирган қутлуғ тантанага тайёргарлик ишлари астойдил кечаётган айни дамларда эришилаётган муваффақиятларни қайд этиш ўринлидир.

### ИСЛОҲОТ



Жорий йилнинг биринчи чорагида Андижон вилоятида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 47,4 фоизни ташкил қилгани бунга яққол мисол бўла олади.

Ана шу ўсиш суръатларида Андижон шаҳридаги “Барака” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ушбу жамоа аҳли яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, юртимиз истеъмолчиларини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаб келаяпти. Бу ерда ўтган йили 800 миллион сўмлик мебель ишлаб чиқарилган бўлса, мазкур кўрсаткич шу йилнинг январь — март ойларида 400 миллион сўмликка етди. Бундай ижобий натижага 2015 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро саноат ярмаркасида тузилган 250 миллион сўмлик ҳамкорлик шартномаси шартлари бажарилгани, эндиликда корхона янги буюртмалар асосида ишлаётгани туфайли эришилди.

“Сифатли тикувчи” масъулияти чекланган жамиятида эса Маҳаллийлаштириш дастури доирасида янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу борада банк томонидан ажратилган 150 миллион сўмлик кредит қўл келди. Пировардида корхонада биринчи чоракнинг ўзида 500 миллион сўмлик кийим-кечаклар тикилиб, харидорларга етказиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

### МАҲАЛЛА — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Истиқлол маҳаллага янгича куч ва қанот бағишлади. Пировардида бугун ушбу ноёб тузилма илгари маҳаллий давлат ҳокимияти ваколатида бўлган 30 дан зиёд вазифаларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Бунда, шубҳасиз, ушбу йўналишда олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар муҳим омил бўлаётир.

## Илғор тажриба ва юқори натижалар

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Дин ишлари бўйича қўмита, “Камолот” ЁИҲ, Ички ишлар, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Республика Маънавият тарғибот маркази, “Нуроний” жамғармаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” кўрик-танлови ҳам ана шу мақсадга қаратилган. Зеро, мазкур танлов фуқаролар йиғинлари фаоллари, хусусан, маслаҳатчиларнинг билим ҳамда малакасини ошириш орқали маҳалла институтининг жамият ҳаётида тутган ўрнини янада юксалтиришга хизмат қилади. Шу кунларда унинг ҳудудий босқичлари “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида юқори савияда ўтказилмоқда.

Кўрик-танловнинг **Андижон вилояти** босқичида 17 нафар маслаҳатчи ўз фаолияти, хусусан, амалга оширган кенг кўламли ишлари ҳамда эришган ютуқлари, келгуси режалари ва илғор тажрибаларини кўргазмали воситалар ёрдамида тақдим этди. Уларнинг соҳага оид ҳуқуқий билимлари ва замонавий ахборот технологияларини нечоғли ўзлаштирганликлари синаб кўрилди.

(Давоми 2-бетда).

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлди.**

Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, элчихоналар ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Академия ректори М. Алиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳани модернизация қилишга қаратилган изчил ислоҳотлар жараёнида давлат бошқаруви соҳасида замонавий кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бу борада таянч таълим муассасасидир. Ушбу даргоҳда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, иқтисодиётни бошқариш тизимини либераллаштиришга йўналтирилган ислоҳотларни амалга оширишга қодир етук кадрлар тайёрланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Она юрт равнақи

**ҳар биримизнинг масъуллигимизга, фаоллигимизга ва фидойилигимизга боғлиқ**

Одамзоднинг ўтаётган кунидан рози бўлиб яшашида ҳикмат кўп. Бахт-саодат тушунчаларининг асл моҳияти ҳам шунда! Президентимиз жорий йил 30 июнь куни жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида вилоятимизга ташрифи чоғида бу ҳақда тўхталар экан, дунёда ҳеч нарса осон қўлга киритилмаслиги, машаққат билан эришилган ютуқлар эса умрбоқий бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

### ДИЛ СЎЗИ

Дарҳақиқат, узоқ йиллар қарамлик гирдобида ҳаёт кечириш азобини биз, кекса ёшли инсонлар яхши эслаймиз. Шукрки, бир бурда нонга зор бўлинган даврлар ортда қолди. Энди ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаймиз! Меҳнатимиз роҳатини кўрадиган замонлар келди. Фарзандларимиз ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишаяпти. Булар учун ҳар қанча шукрона айтсак, арзийди.

Юртбошимиз вилоятимизга ташрифини Термиз шаҳрида миллий ҳамда замонавий меъморлик услублари асосида барпо этилган Хотира майдони билан танишишдан бошлагани бежиз эмас. Негаки, бу маскан — аждодларимизга эҳтиром рамзи. Инсон қадр-қиммати устуворлиги тимсоли. Халқимиз бунёдкорлик шижоатининг ифодаси. Она юртимиз равнақи ҳар биримизнинг масъуллигимизга ва фидойилигимизга боғлиқ.

(Давоми 2-бетда).

## Тошкент саммити ШҲТ тарихида мустаҳкам ўрин эгаллади

Ўзбекистон аҳолиси халқаро майдонда нуфузи тобора ошиб бораётган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига учинчи бор раислик қилган ўз мамлакати ва Президентидан чексиз фахрланади.

### ИЖТИМОИЙ ФИКР

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ШҲТнинг Тошкент юбилей саммити якунларига бағишлаб ўтказилган навбатдаги сўровда ҳамюртларимиз ана шундай фикр билдиришди. Респондентларнинг барчаси мазкур йирик форум ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадларига қаратилган муҳим келишувларга эришилгани билан унинг тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллашини таъкидлашган.

Ушбу тадқиқотда қатор соҳа вакиллари, хусусан, давлат органлари ходимлари, ишбилармонлар, талабалар, ишчилар, ёшлар ва пенсионерлар, турли миллат ҳамда эътиқод вакиллари қатнашди.

Сўровда иштирок этганларнинг қарийб 92 фоизи саммит жараёнини диққат-эътибор билан кузатиб борган. Респондентлар мутлақ катта қисмининг фикрича, давлат раҳбарларининг навбатдаги мажлиси хайрихоҳлик, улкан ишонч ва ҳурмат руҳида ўтди, ўзаро конструктив мулоқотга интилиш ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг кўп томонлама самарали ҳамкорлигида энг муҳим омилга айланди.

Тадқиқотда аҳоли ўртасида мазкур тадбир якунларидан қониқиш ҳисси юқори эканлиги маълум бўлди. Респондентларнинг 98,2 фоизи Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Тошкент саммити нафақат ШҲТ давлатлари раҳбарлари ташкилот доирасидаги кўп томонлама ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга доир энг асосий масалаларни муҳокама қилишгани, балки бошқа кўплаб долзарб масалаларда ҳам фикр алмашишганини маъқуллаб эътироф этди.

Сўров қатнашчиларининг 92,4 фоизи ШҲТни янада мустаҳкамлаш, унинг таркибидаги мамлакатлар хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш, замонавий таҳдидларга қарши курашиш, турли соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги келишувларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирган.

(Давоми 3-бетда).

# МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗ ВА ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗ ТИМСОЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мустақил юртимизда таъсис этилган биринчи орден ҳам “Соғлом авлод учун” деб номлангани ҳамда бу юксак мукофот ўтган давр мобайнида қанча-қанча юртдошларимизни фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек улуғ мақсадлар йўлида улкан ишларга сафарбар этиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас.

“Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишони шу борадаги орзу-интилиш ҳамда амалий ишларимизнинг узвий ва мантиқий давоми бўлиб, она тимсолида буюк Ватанимизни, унинг фарзанди тимсолида эса ёруғ келажагимизни кўрамиз.

Шу ўтган даврда амалга оширган улкан, том маънода тарихий ишларимизнинг туб моҳияти ҳамда аҳамиятини чин дилдан ҳис этиш, шу улуғвор ишларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деган дахлдорлик туйғуси билан яшаш барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Миллионлаб юртдошларимиз айни шу йўлда фидокорона меҳнат қилгани ҳамда бугунги кунда ҳам янги-янги марраларни кўзлаб ҳаракат қилаётгани Ватанимизнинг ёруғ келажагига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Бир сўз билан айтганда, “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишони жаҳондаги ривожланган, демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш йўлида қатъият билан илгарилаб бораётган бугунги Ўзбекистоннинг рамзи сифатида минг-минглаб юртдошларимизнинг кўксида ярақлаб, уларни янги ютуқ ва марраларга илҳомлантирадиган юксак ишонч ва эътибор ифодаси бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

**ЎзА.**

# Она юрт равнақи

## ҳар биримизнинг масъуллигимизга, фаоллигимизга ва фидойилигимизга боғлиқ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бир пайтлар фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан чекланган воҳада бугун ишлаб чиқариш изчил ривожланаяпти. Илғор корхоналар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик равнақ топаётир. Жойларда қад ростлаган боғу хиёбонлар, замонавий тураржой даҳалари, кенг ва равон кўчалар, муҳташам савдо ҳамда хизмат кўрсатиш мажмуаларини кўриб, кўз қувонади. Биргина Термиз шаҳри қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ёшларни спортга ошно этаётган “Сурхон” спорт мажмуи, ўн минг томошабинга мўлжалланган стадион, “Бахт уйи” кошонаси, Термиз давлат университетининг янги биноси, Ўрта Осиёда ягона бўлган Археология музейи ҳудудимиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Эҳ-ҳе, буларни санаб адоғига етолмайсиз! Қаранг, мустақилликка эришилгунига қадар воҳамизга бир йилда, бор-йўғи, 40 — 50 нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлса, айни пайтга келиб улар сони 35 — 40 минг нафардан ошади. Хўш, бу ниманинг далолати? Аввало, Сурхондарё дунё аҳлининг ҳайрату ҳавасини тортаётган манзилга айланаётганининг-да!

2015 — 2017 йилларда вилоятнинг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури ҳам Термиздаги янгиланишларни янги босқичга кўтармоқда. Шунга мувофиқ, ҳудуд қиёфасига мос яшил майдонлар, хиёбонлар, автомобиль йўллари барпо қилиниб, ижтимоий соҳа ҳамда бозор инфратузилмаси тубдан такомиллаштирилаяпти. Пастқам ва кўримсиз уйлар ўрнини биринчи қавати турли хизмат кўрсатиш объектлари, бошқа қаватлари тураржойлардан иборат бинолар эгалламоқда. Муҳими, уларнинг ҳар бири маҳаллий иқлим шароитлари, санитария ҳамда хавфсизлик, аҳоли турмуш тарзи каби кўплаб мезонлар ҳисобга олинган ҳолда тикланаётир. Кўп қаватли иморатлар ҳовлисида боғ ва хиёбонлар, гулзорлар, фавворалар, болалар ўйин майдончалари ташкил этилаяпти.

Шаҳар марказидаги 700 ўринга мўлжаллаб қурилаётган бетакрор санъат саройи бу борадаги эзгу ишларнинг дебочаси! Президентимиз ана шу маскандаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечирар экан, “Биз қураётган бундай бинолардан наинки бугунги, балки келгуси авлодлар ҳам завқ олсин, асрлар давомида эслаб, ўзгача ғурур билан яшасин”, дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Албатта, кечаги ютуқларимиз ҳозирги фаровон ҳаётимизнинг муҳим манбаи, кафолатидир. Бироқ эртанги кун учун бугундан бошлаб қайғурмас эканмиз, кўзлаган юксак марраларимиз янада узоқлашиб, ривожланишдан ортда қолиб кетишимиз ҳеч гап эмас. Бу эса ҳар биримиздан замон билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлишни, ишга, ҳаётга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимизни талаб қилади. Зеро, бу юрт, бу Ватан — барчамизники! Уни янада обод ва фаровон қилиш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

**Орзиқул СОАТОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Сурхондарё вилояти бўлими раиси ўринбосари.**

# Илғор тажриба ва юқори натижалар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ҳамда эркин фуқаролик жамиятини барпо қилиш, хусусан, маҳалла институтини ривожлантириш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда, — дейди “Маҳалла” фондининг вилоят бўлими етакчи мутахассиси Мансурбек Матисев. — Бу жараёнда маслаҳатчилар фаол қатнашаётганига яна бир бор амин бўлдик. Қолаверса, ушбу танлов уларнинг билим ҳамда малакасини янада мустаҳкамлади, дейиш учун асос етарли.

Ҳакамлар хулосасига кўра, Пахтаобод туманидаги “Нурдиёр” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Сайёрахон Мирзаева ғолибликни қўлга киритди.

— Ушбу танлов бизнинг ишларимиз сарҳисоби бўлибгина қолмасдан, келгуси вазифаларимиз миқёсини чуқур англашга кўмаклашади, — дейди у. — Мамлакатимиз барча соҳада эришаётган ютуқ ҳамда натижалар омили — тинчлик ва осудаликни асраб-авайлаш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, ёшларимизни турли зарарли иллатлар таъсиридан ҳимоялаш баробарида, уларни бунёдкорлик ишларига илҳомлантириш маслаҳатчилардан ғайрат-шижоатни, ташаббусни талаб этади. Шу маънода, кўрик-танловнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ҳозирги пайтда **Наманган вилояти** бўйича 769 нафар фуқаролар йиғинлари маслаҳатчиси самарали фаолият юритмоқда. Улар миллий қадрият, урф-одат ҳамда анъаналарни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёшлар онгига она-юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдиришда йиғин раисларининг ҳамкору ҳаммаслагидир. Танловнинг вилоят босқичида ишига сидқидилдан ёндашиб, юксак натижаларга эришиб келаётган 12 нафар маслаҳатчи ўзаро баҳс олиб борди.

— Ҳудуддаги маънавий муҳит барқарорлиги, кўп жиҳатдан, оилалар тотувлиги, ёшлар тарбияси, жойларда олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг самарадорлиги, жамоатчилик назоратини таъминлаш билан бевосита боғлиқ, — дейди танлов ғолибаси, Наманган шаҳридаги “Обод” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Дилором Акрамова. — Бунда кўпроқ масъулият айни йўналишда иш олиб борадиган маслаҳатчи зиммасига тушади. Унинг уддасидан чиқиш учун ушбу вазифа эгаси ташкилотчи, энг аввало, аҳолининг катта қисмини ташкил қиладиган хотин-қизлар билан ишлаш борасида етарлича салоҳият ҳамда муаммоли масалаларни еча билиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Ҳакамлар ана шу жиҳатларга эътибор қаратди. Уларнинг эътирофига сазовор бўлганимдан жудаям мамнунман. Айни чоғда бу масъулиятимни янада оширади. Шундай экан, танловнинг республика босқичида вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга интиламан.

**Навоий вилояти**да фаолият кўрсатаётган 303 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ҳам ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ўзларини ҳар жиҳатдан намоён этмоқда. Буни улар томонидан жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллаларда 7 мингга яқин маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилгани ва пировардида жойларда ҳуқуқбузарликлар ҳамда жиноятчилик ҳолатлари сезиларли даражада камайгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичида ана шундай юксак натижаларга эришган, ташаббускор ҳамда фаол 10 нафар маслаҳатчи қатнашди. Тадбирда уларнинг қизғин фаолиятидан ҳикоя қилувчи маълумотларга кенг ўрин берилдики, бу барчада катта қизиқиш уйғотди. Айни чоғда маслаҳатчиларнинг билими ва дунёқараши, соҳага оид қонун ҳужжатларидан хабардорлиги синаб кўрилди.

Якунда Зарафшон шаҳридаги “Кимёгар” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Нигора Примованинг фаолияти маъқулланиб, у танловнинг вилоят босқичи ғолибаси, деб эълон қилинди.

— Маҳалламизда кўплаб йўналишларда иш олиб бораяпмиз, — дейди у. — Хусусан, оилаларни мустаҳкамлаш ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” фондининг ҳудудий бўлинмаси билан ижтимоий шериклик муносабатларини изчил ривожлантиришга астойдил интилаяпмиз. Ёшларимизни ижодий ҳамда спорт тўгаракларига кенг жалб этиш, маънан ва жисмонан соғлом улғайишига астойдил ёрдам беришда улар билан ҳамқадам бўлишга бор имкониятларимизни сафарбар этамиз. Айни чоғда биз бу ерда долзарб масалаларни белгилаб олишга эришдик.



Танловнинг **Бухоро вилояти** босқичида таъкидланганидек, бундан 12 йил олдин Президентимиз Фармони асосида фуқаролар йиғинларида ташкил қилинган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларида бугун бой ҳаётий тажрибага эга, обрўли ҳамда фаол хотин-қизлар ишлаяпти.

Вилоятдаги мавжуд 558 та фуқаролар йиғинида жорий йилнинг ўтган даврида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида миллий қадриятларимиз, анъанаю урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш ва асраб-авайлаш, улар онгига она-юртга муҳаббат, истиқлол ғоясига садоқат туйғуларини чуқур сингдиришга қаратилган 1500 га яқин тадбирлар ўтказилди. Бу даврда маслаҳатчилар томонидан оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш натижалари асосида 910 дан зиёд оиладаги низоли ҳолатларга ижобий ечим топилди.

— Кўрик-танловнинг фаолиятимизни оқилона ташкил этиш ҳамда маҳоратимизни такомилга етказишдаги ўрни беқиёс, — дейди Шофиркон туманидаги “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Саодат Юсупова. — Унга тайёргарлик кўриш жараёнида биз, маслаҳатчилар масъулиятнинг янада жиддийлигини дилдан ҳис этдик. Бу ерда ҳамкасбларимизнинг илғор иш услублари билан танишдик. Мазкур тажрибалар келгуси фаолиятимизда асқатишига шубҳам йўқ.

Танловнинг қуйи босқичларида ғолиб бўлган 13 нафар маслаҳатчи ўз билими ва касб маҳоратини синовдан ўтказди. Улар ўз иш фаолиятларига оид тақдимотни намойиш қилди. Пировардида ҳакамлар ҳайъати томонидан Жондор туманидаги “Ҳазорман” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Нигора Рустамова биринчи ўринга лойиқ, деб топилиб, танловнинг республика босқичи йўлланмасини қўлга киритди.

Термиз шаҳрида ўтказилган кўрикнинг **Сурхондарё вилояти** босқичида ҳам иштирокчи маслаҳатчилар фаолият юритаётган маҳаллалар томонидан миллий ҳунармандчилик буюмлари ҳамда халқ амалий санъати намуналарини акс эттирган кўргазма ташкил этилди.

Танловда қатнашган 14 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ҳудудларда амалга оширилаётган намунали ишларни слайдлар орқали тақдим қилишди. Шу билан бирга, улар маҳаллалардаги муаммоларга ечим топиш, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлигини мустаҳкамлашдаги иш услублари, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўзлаб беришди.

Якунда Узун туманидаги “Янги йўл” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Сафаргул Ражабова биринчи ўринни эгаллади.

— Кўрик-танлов маслаҳатчиларнинг илғор иш тажрибасини оммалаштиради ва шу орқали маҳалланинг ислоҳотлардаги иштирокини кенгайтиради, — дейди Шеробод туманидаги “Чағатой” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Малика Маматалиева. — Шу маънода, унда қатнашишнинг ўзи катта ютуқ.

Жойларда бўлиб ўтаётган мазкур тадбирларга таниқли санъаткорлар ва бадиий жамоалар чиқишлари байрамона кайфият бағишламоқда.

Кўрик-танловнинг ҳудудий босқичлари давом этаётир.

**Вилоят мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Бағрикенглик, саховат, меҳр-оқибат айёми

Президентимизнинг куни кеча қабул қилинган “Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарори миллий анъаналаримизни, диний қадриятларимиз мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган меҳр-оқибат байрамига бўлган юксак эътибор ва ҳурмат ифодасидир.

**ШУКУҲ**

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ҳамда раҳнамолигида буюк алломаларимизнинг қадамжолари, табаррук масканларда кенг кўламли таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Уларнинг бебаҳо меросини ўрганиш, тадқиқ қилиш, халқимизга етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар изчил давом этмоқда.

Бугун ҳар бир хонадонда, маҳаллада ободлик ҳукм сураяпти. Ҳайит мустақиллик байрамининг 25 йиллик тўйи арафасида ўтаётгани унга янада бетакрор файз ҳамда шукуҳ бахш этаётир. Айни кунларда муқаддас зиёратгоҳлар, табаррук қадамжоларни ободонлаштириш, уларнинг атрофини кўркамлаштириш ишлари янада авж олган. Бу муборак айёмда кексаларга ҳурмат, фарзандларга алоҳида иззат кўрсатилади. Ҳиммату саховат, меҳр-оқибат каби азалий анъаналар юксак поғонага кўтарилади. Ҳайит кунлари барча бир-бирини қутлайди, дастурхонлар ёзилади, совға-саломлар улашилади. Яратганга шукроналар айтиб, Истиқлолимиз, тинч ва хотиржам ҳаётимиз ҳамда келгуси авлодларимиз ҳақига дуолар қилинади. Бу амалларнинг барчаси савоб, мукофоти эса инсонийлик шарафи ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтганда, Рамазон ҳайити жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ҳамда ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашда, эзгу фазилатлар, қадриятларимизга юксак эҳтиром кўрсатишда бениҳоя аҳамиятлидир.

**Абдулазиз МАНСУР,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.**

# ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Академияда ўқитиш халқаро таълим стандартларига мувофиқ, замонавий ахборот-коммуникация ва инновация технологиялари асосида олиб борилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2014 йили академия биноси замонавий меъморлик ва технология талабларига мувофиқ реконструкция қилинди. Аудиториялар, конференция заллари барча зарур замонавий ускуналар, ахборот-коммуникация, телекоммуникация воситалари ва технологиялари билан жиҳозланди. Ахборот-ресурс маркази давлат ва жамият бошқаруви масалаларига бағишланган ўқув, илмий ва методик адабиётлар билан таъминланди. Ўқув биноси ва ётоқхона қулай мебель, ўқув қуроллари, компьютерлар билан жиҳозланди, интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти кенгайтирилди.

Академияга олий маълумотли, давлат ва жамият бошқаруви тизимида икки йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга номзодлар танлов асосида қабул қилинмоқда.

— Ўқув даргоҳимиз АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Сингапур каби қатор давлатларнинг илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, БМТ, ОТБ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатган, — дейди академия ўқитувчиси Моҳира Эшонова. — Ўқитувчилар, ходимлар ва тингловчиларнинг ҳам назарий билимини, ҳам амалий кўникмасини такомиллаштириш мақсадида улар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, олий таълим ва илмий муассасаларга, жумладан, хорижий мамлакатларнинг илмий муассасаларига амалиёт ўташга юборилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 20 августдаги Фармони асосида академияда таълим сифати тубдан яхшиланди, ўқув-техника базаси янада такомиллаштирилди. Давлат бошқаруви мутахассислигининг “Иқтисодий соҳа менежменти”, “Ижтимоий соҳа менежменти” ва “Ҳудудлар менежменти” ихтисосликлари бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Академияни бу йил мазкур йўналишлар бўйича 82 нафар тингловчи тамомлади.

— Икки йиллик таҳсил давомида давлат тузилиши ва бошқаруви, фуқаролик жамияти асослари, ўзини ўзи бошқаришнинг шакл ва усуллари, менежмент назарияси ва амалиёти, бошқарувда ахборот-коммуникация технологиялари ва “Электрон ҳукумат” тизимидан фойдаланиш, бошқарув социологияси ва психологияси бўйича билимимизни бойитдик, — дейди академия битирувчиси Шаҳобиддин Мусаев. — Ўқиш давомида Жанубий Корея ривожлантириш институтида бўлиб, халқаро тажриба ўргандим, малака оширдим. Академияда инглиз тилини пухта ўзлаштирдим. Магистрлик диссертациямни ҳам инглиз тилида ёзиб, ҳимоя қилдим. Биз, ёшларга доимий эътибори ва ғамхўрлиги, юксак ишончи учун Президентимиздан миннатдормиз. Келажакда Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшиб, бу ишончни оқлаш учун бор билим ва тажрибамизни ишга соламиз.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов сўзга чиқди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Кичик бизнес салоҳияти юксалмоқда




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Салом ҳамкор текстиль” хусусий корхонаси маҳсулотлари — аёлларнинг 20 турдан зиёд либосларига бўлган талаб ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда.

— Шу йилнинг бошида Япония ва Германия давлатларида бўлиб, у ердаги илғор ишлаб чиқарувчилар тажрибаси билан танишиш баробарида, 250 миллион сўмлик замонавий дастгоҳларни олиб келдик, — дейди корхона дизайнери Абдусалом Ҳошимов. — Бунинг самараси ўлароқ, янги маҳсулотларимиз хорижга экспортга чиқарилаётир.

“Evro ekfin” масъулияти чекланган жамияти бир пайтлар чўл ҳудуди ҳисобланган, айни пайтда эса мўъжазгина бўстонга айланган Бўз туманида фаолият кўрсатаяпти. Уни ташкил қилишда тадбиркор Мансурбек Рашидов пухта ва аниқ режаларга асосланди. Натижада сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик бизнес субъекти пайдо бўлди.

Хабарингиз бор, юртимизга истиқлолгача бу каби маҳсулотлар четдан олиб келинарди. Ишбилармонлик салоҳиятининг кенгайиши, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш эвазига эндиликда улар ўзимизда тайёрланамоқда. Бу эса маҳсулот сифатини таъминлаб қолмасдан, унинг нархи арзонлашишига ҳам сабаб бўлаётир. Яна бир аҳамиятли жиҳати, зарур хом ашёлар ҳам диёримизда етиштирилаяпти. Бу эса инсон организмига ижобий таъсир этувчи хусусиятларни кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Корхона жамоаси ўтган йили банкнинг 9 миллиард сўм миқдоридаги кредити эвазига хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида тайёрлаётган йогурт ҳамда айрон маҳсулотлари ана шундай жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради.

— Айни пайтда бир ойда 25 тонна, яъни ўртача 300 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, республикамиздаги савдо дўконларига етказиб бераяпмиз, — дейди корхона раҳбари Мансурбек Рашидов. — Шу кунларда музқаймоқ, шунингдек, йогурт ва айроннинг янги турини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Ҳозир корхонада 30 нафар ишчи самарали меҳнат қилаётган бўлса, келгусида уларнинг сонини 80 нафарга етказиш кўзда тутилаяпти.

Қисқача айтганда, мамлакатимиз ички бозорини рақобатдош ҳамда сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бераётир. Бу эса эришилаётган ютуқлар салмоғини янада ошириш баробарида, иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** “Evro ekfin” масъулияти чекланган жамияти фаолиятидан лавҳалар.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

# Тошкент саммити ШҲТ тарихида мустаҳкам ўрин эгаллади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Респондентлар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлатлараро алоқаларни янада равнақ топтириш ҳамда кенгайтиришнинг муҳим мезони, саммит чоғида тузилган битимлар эса бутун дунёдаги мураккаб иқтисодий вазиятдан чиқиб кетишга туртки бериб, ўзаро саъй-ҳаракатлар аъзо мамлакатларнинг иқтисодий юксалиши ва тараққиётига хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Фуқароларимиз бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида қабул қилинган қарорлар ўзаро ишонч, дўстлик, яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаб, тинчлик, минтақавий хавфсизлик ва ШҲТ ҳудудида барқарорликни таъминлашига қатъий ишонади.

Экспресс-сўров давомида ҳамюртларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига Ўзбекистон ҳамда шахсан мамлакат Президенти Ислом Каримов раислиги тарихий аҳамиятга эга эканлигига алоҳида урғу берди. Уларнинг 97,3 фоизи фикрича, айнан Ўзбекистоннинг раислиги ва тайёргарлик ишлари юксак савияда олиб борилгани шарофати билан давлат раҳбарлари учрашувларида муваффақиятлар ҳамда ижобий натижалар қўлга киритилди. Иштирокчиларнинг айтишича, айнан Юртбошимиз ташаббуслари ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари бўйича муҳим келишувларга эришишда катта аҳамият касб этди.

Респондентларнинг 97,6 фоизи уларнинг Тошкент саммити билан боғлиқ умидлари ҳамда орзу-истаклари тўлиқ рўёбга чиққанини билдиришди. Ўзбекистон Президенти раислигида ШҲТ фаолиятини халқаро алоқаларни ривожлантириш йўли билан оптималлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилгани, Марказий Осиё минтақаси ва ташкилотнинг барча ҳудудида хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш бўйича муҳим ташаббуслар амалга оширилаётганига мутлақ кўпчиликнинг ишончи комил. Тадқиқотда қатнашганлар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши юбилей мажлиси юртимизнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилганлигини мамнуният билан изҳор этишгани, айниқса, алоҳида эътиборга моликдир.

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида Саиджон МАХСУМОВ тайёрлади.**

# Шижоатли ёшлар мусобақаси

Бухорода "Ёш қутқарувчи" мусобақасининг республика босқичи бўлиб ўтди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган мазкур беллашувда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 14 та жамоа қатнашди.

**БЕЛЛАШУВ**

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда бир қатор манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган ушбу тадбирга қизиқиш йил сайин ошмоқда. Жорий ўқув йилида бу баҳсларнинг қуйи босқичларида 9011 нафар ўқувчи иштирок этгани ана шундан далолат беради.

Ёшлар онгида она-юртга садоқат, меҳр-муҳаббат ва инсонпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш, муносиб фарзандларни вояга етказиш, қолаверса, турли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, экстремал вазиятларда жисмоний ҳамда руҳий тайёргарликни маромига етказиш каби олижаноб мақсадларни кўзлаган тадбир ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди.

— Мусобақага тайёргарлик кўриш жараёнида билим ва кўникмаларимизни мустаҳкамладик, — дейди Фарғона вилояти "Халоскор" гуруҳи аъзоси Дилмурод Ўринбоев. — Тадбирнинг якуний босқичида кучли жамоалар жамланган экан. Баҳслар шиддатли кечди. Муҳими, фавқулодда вазиятлар содир бўлганида қандай ҳаракатланиш борасидаги ютуқ ҳамда камчиликларимизни билиб олдик. Шу мусобақа сабаб кўплаб дўстлар орттирдик. Бухоронинг қадимий обидалари, мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишдик. Бу ердан унутилмас таассуротлар билан қайтаяпмиз.

Якунда "Бухоро маданий марказ"идаги муҳташам амфитеатрда ғолибларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Биринчи ўринни эгаллаган "Шижоат" (Бухоро вилояти), иккинчи ўрин соҳиби "Кимёгар" (Тошкент вилояти), учинчи поғонани банд этган "Фидокор" (Тошкент шаҳри) гуруҳларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, турли номинациялар совриндорлари ҳам тақдирланди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


## «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Қўқон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 4 августдаги 15-1404/9324-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, 46-МФЙ, Темур Малик кўчасида жойлашган, «Лакомка дам олиш маскани» бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 173 403 794 сўм.***

**2.** Қўқон шаҳар СИБ томонидан ФИБ Қўқон туманлараро судининг 2015 йил 21 декабрдаги 6817-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон тумани, Янги ҳаёт массивида жойлашган 34-уй.

***Бошланғич баҳоси — 145 014 272 сўм.***

**3.** Қўқон шаҳар СИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 26 июндаги 22/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, Туркистон кўчаси, 2-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 2,4 гектар бўлган, «Mill Progress» МЧЖга тегишли бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 1 259 385 605 сўм.***

**4.** Қўқон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2015 йил 24 апрелдаги 2-17/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, Қудуқлик кўчасида жойлашган автотеххизмат бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 317 797 874 сўм.***

**5.** Боғдод тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2016 йил 11 апрелдаги 15-1609/3219-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Боғдод тумани, Қўшчинор кўчасида жойлашган ижодкорлар чойхонаси, савдо дўконлари, дорихона ҳамда савдо расталари бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 251 250 000 сўм.***

**6.** Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 2 сентябрдаги 15-1509/16120-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Ўрмончилар кўчаси, 299-уйда жойлашган ишлаб чиқариш базаси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 1 821 960 397 сўм.***

**7.** Қувасой шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2016 йил 18 апрелдаги 15-1607/4598-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳри, «Боғбон» МФЙ, Муян шаҳарчасида жойлашган, умумий майдони 851,49 кв. м. бўлган оқсоқоллар уйи бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 150 000 000 сўм.***

**8.** Қувасой шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2016 йил 18 апрелдаги 15-1607/4598-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳри, «Боғбон» МФЙ, Муян шаҳарчасида жойлашган, умумий майдони 515,20 кв. м. бўлган чойхона бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 95 000 000 сўм.***

**9.** Қувасой шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 17 апрелдаги 15-13-04/8801-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 112-уйда жойлашган, умумий майдони 24 484,35 кв. м. бўлган «73-автокорхона» МЧЖга тегишли бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 247 393 503 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 8 август куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 5 август куни соат 18.00.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиалининг ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 3004 3360 1012, МФО: 01123, СТИР: 303179580.

*Хизматлар лицензияланган.*

**Манзил: Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 21/1-уй.**
**Телефон: (+99895) 402-54-75. www.emulk.uz**
**E-mail: best.fergana@inbox.uz**

996А/421


## ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 январдаги «Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш ишларини ва экспертизадан ўтказишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 15-сонли ва 2016 йил 23 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 166-сонли қарорларига асосан, архитектура ва шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлаш фаолияти учун лицензияга эга барча лойиҳа ташкилоти аввал берилган лицензия келишувларини қайта расмийлаштириш юзасидан эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2016 йилнинг 1 октябригача «Давархитектқурилиш» қўмитасига мурожаат этишлари зарур.

**Телефонлар: (0-371) 244-04-07, 244-48-46.**

977А/394

ЭЪЛОНЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси

***(кейинги ўринларда — Суд департаменти)***

**суд ҳужжатлари ҳамда бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш юзасидан ўтказиладиган танловда қатнашиш истагидаги савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очиқ танловга таклиф этади.**

### 1. Умумий шартлар

Танлов ташкилотчиси — Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Очиқ танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ҳамда автомототранспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш қўйилади.

Ўтказилаётган танловнинг мақсади — суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш.

Танлов ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ҳамда ҳужжатларни кўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биноси (Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 95-уй)да 2016 йил 8 июлдан бошлаб ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 га қадар амалга оширилади:

- Олмазор, Шайхонтоҳур, Юнусобод туманлари ҳудудлари бўйича 2016 йил 10 августда;
- Яшнобод, Миробод, Бектемир, Мирзо Улуғбек туманлари ҳудудлари бўйича 2016 йил 11 августда;
- Сергели, Яккасарой, Чилонзор, Учтепа туманлари ҳудудлари бўйича 2016 йил 12 августда танлов ўтказилиб, ғолиблар аниқланади.

### 2. Танлов шартлари ва танлов ғолибларини аниқлаш мезонлари

Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шохобчаси ҳамда назорат-касса машинаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

***Қуйидаги юридик шахслар танловда қатнашиш учун қўйилмайди:***

*— қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;*
*— олти ойдан кам муддат давомида фаолият юритаётган;*
*— охирги 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган.*

***Танловда ғолиб чиқишнинг асосий мезонлари:***

*— истеъмолчи учун жойлашган жойнинг қулайлиги, вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ҳамда ҳоказоларга яқинлиги;*
*— мол-мулкларнинг сақланишини, туркумланишини, навларга ажратилишини ва бутлигини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;*
*— мажбуриятлардан холи бўлган пул маблағлари;*
*— мавжуд яроқли техникага эгалиги;*
*— ходимлар малакаси ҳамда иш тажрибаси;*
*— кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.*

### 3. Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

*— комиссия номига ариза;*
*— давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*— савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*— савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йили учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1 ва 2-шакллар) нусхаси;*
*— савдо ташкилотида назорат-касса машинасининг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;*
*— савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;*
*— савдо дўконининг жойлашган манзили тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10х15 см. ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўриниши, умумий ташқи ҳамда ички кўринишлари акс эттирилиши керак);*
*— мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, навларга ажратилиши ва бутлигини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек, 10х15 см. ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг умумий ташқи ҳамда ички кўринишлари акс эттирилади), уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;*
*— савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;*
*— талабгорнинг мажбуриятлардан холи пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;*
*— талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда қатнашиши мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар ва уларнинг техник тавсифи;*
*— кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси миқдори тўғрисида таклиф (10 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда).*

Юқорида белгиланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ҳамда мазмуни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талабларига жавоб бериши лозим.

### 4. Талабгорлар томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

Ариза ҳамда ҳужжатларни қабул қилиш ҳудудлар бўйича ўтказиладиган танловдан 5 кун олдин тўхтатилади, ариза ва ҳужжатлар Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биносида —

**Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 95-уйда қабул қилинади.**

**Тел.: (0-371) 235-74-20.**

Комиссия ишчи органи — ҳудудий бошқарманинг статистика ва таҳлил бўйича сектори (инспектори).

*Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзилга «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлов»га деган белги билан юборилиши керак.*

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди, 2-хатбошисида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари танловга тақдим қилинган ҳужжатлар қайтарилмайди.

870R/391


## Тошкент шаҳридаги Инҳа университети

**2016/2017 ўқув йили учун қуйидаги йўналишларда қабул жараёни давом этаётганини маълум қилади:**

— **КОМПЬЮТЕР ИНЖИНИРИНГИ ВА ДАСТУРИЙ ИНЖИНИРИНГ** — 250 нафар талаба;
— **ЛОГИСТИКА** — 80 нафар талаба.

Ҳужжатлар тўлиқ он-лайн шаклида топширилади ҳамда университетга келишга асло ҳожат йўқ! Бунинг учун эса admissions.inha.uz веб-сайти орқали он-лайн шаклидаги аризани тўлдириб, зарур ҳужжатларни сканердан ўтказган ҳолда белгиланган электрон манзилга юборишингиз кифоя. Рўйхатга олиш жараёни 2016 йил 14 июль куни якунланади. Кириш имтиҳонлари 29 июль куни ўтказилиши режалаштирилган.

**КОМПЬЮТЕР ИНЖИНИРИНГИ ва ДАСТУРИЙ ИНЖИНИРИНГ йўналиши бўйича математика ҳамда физика фанларидан имтиҳонга кириш учун инглиз тилини қуйидаги даражада билиш талаб этилади:**

— IELTS сертификати камида — 5,0 балл;
— TOEFL IBT сертификати камида — 50 балл.

**ЛОГИСТИКА йўналиши бўйича математика фанидан имтиҳонга кириш учун инглиз тилини қуйидаги даражада билиш талаб қилинади:**

— IELTS сертификати камида — 6,0 балл;
— TOEFL IBT сертификати камида — 75 балл.

**Қўшимча маълумот учун биз билан admissions@inha.uz электрон почтаси ёки (+99871) 289-99-99 (ички: 0401) телефони орқали боғланинг.**
**Тошкент шаҳридаги Инҳа университети манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 9-уй. Веб-сайт: www.inha.uz**

992А/456





## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22 июлдаги «Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2215-сонли қарорида белгиланган стоматология соҳасидаги юқори малакали тиббиёт кадрларини халқаро талаблар ва стандартлар даражасида тайёрлашни янада такомиллаштириш, замонавий талабларга мос келадиган ва ҳозирги замон стоматологиясининг илғор технологияларини эгаллаган стоматология соҳасининг юқори малакали тиббиёт кадрлари ва илмий мутахассисларини тайёрлаш мақсадида Тошкент давлат стоматология институти бўйича 2016/2017 ўқув йили учун бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларига ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

| Бакалавриат таълим йўналиши | | Магистратура мутахассисликлари | |
|---|---|---|---|
| 5510400 | Стоматология | 5А510401 | Терапевтик стоматология<br>Хирургик стоматология<br>Ортопедик стоматология<br>Болалар стоматологияси<br>Юз-жағ хирургияси |

**Ҳужжатлар жорий йилнинг 20 июнидан 20 июлигача қабул қилинади.**
**Институт манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тараққиёт кўчаси, 103-уй.**
**Телефонлар: (0-371) 230-20-72, 230-20-71.**
**Веб-сайт: www.tsdi.uz**
**Электрон манзил: tdsi_qabul@edu.uz**

985А/443


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Бахтиёр Баҳронович Бобоназаровга отаси **Баҳрон Бобоназарович БОБОНАЗАРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Арипжан Нормаматович Қудратовга онаси **ҚАРШИГУЛ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Alskom" суғурта компанияси АЖ жамоаси компаниянинг Сурхондарё филиали директори Абдимурод Худойқуловга отаси **Намоз ХУДОЙҚУЛОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

*Иқтисодиёт тармоқларининг ривожи, кўп жиҳатдан, молия-банк тизимининг самарали ташкил этилиши билан боғлиқ. Шу боис соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва уни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Натижада тижорат банклари ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланди. Уларнинг капиталлашув даражаси ортиб, даромади барқарорлашди. Бу борада молиявий хизматлар бозорида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки ҳам муайян ютуқларни қўлга киритаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Мазкур банк ўз мижозларига тезкор, сифатли ҳамда қулай хизматларни тақдим этиш орқали пешқадамлик мавқеини сақлаб келаяпти. Чунки рақобат кун сайин кучайиб бораётган ҳозирги шароитда аксарият тадбиркорлар иш юритишнинг самарали йўлларини қидириб топиш, ички бозорни яхши ўрганган ҳолда, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилишаётир. Ана шу жараёнда "Ипотека-банк" ишбилармонларга ишончли, мустаҳкам молиявий таянч бўлмоқда.*



«Ипотека-банк»:

# ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ФАОЛИЯТ

Банк томонидан мижозлар учун яратилаётган кўплаб имконият ва имтиёзлар аҳолининг барча қатлами манфаатларини ўзида ифодалаши билан бирга, тақдим этилаётган хизматлар қамрови кенглиги билан ҳам ажралиб туради. Зеро, банк фаолиятининг асосий мезони, аввало, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш орқали юрт равнақига хизмат қилишдир.

Шундан келиб чиқиб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъект, шунингдек, аҳолининг ҳамма қатламига малакали банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Бунда "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили дастуриламалга айланган.

Жаҳон бозорида харидоргир янги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар, йирик ижтимоий объектлар ҳамда замонавий тураржойлар барпо этишдек бунёдкорлик ишларида ҳам банк сармоялари муҳим аҳамиятга эга бўлаяпти. Ушбу йўналишдаги ишлар миқёсини кенгайтириш мақсадида "Ипотека-банк"нинг таркибий тузилмалари фаолиятининг самарадорлиги оширилаётгани эса, айниқса, эътирофга моликдир.

Гап шундаки, 2016 йилнинг 1 июнига қадар 32 та минибанк ва 59 та жамғарма ҳамда коммунал кассалар очилиб, улар орқали 73 мингдан ортиқ мижозларга универсал банк хизматлари кўрсатила бошланди.

2016 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, банкнинг соф активлари 4900,2 млрд. сўмга етказилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1350,2 млрд. сўмлик ёки 38 фоиз ўсиш таъминланди. Иқтисодиётнинг турли соҳаларига йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиғи 3751,5 млрд. сўм, умумий капитали эса 429,4 млрд. сўмни ташкил қилди.

Кейинги йилларда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналиши сифатида майдонга чиқди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда мазкур соҳа етакчи мавқега эга.

Жабҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун банк томонидан хориж инвестициялари ҳамда кредит линиялари жалб этилмоқда. Ушбу сармоялар тўғри йўналтирилиши баробарида, ажратилган кредитлар мониторинги юритилиб, ишбилармонларнинг таклиф ва мулоҳазалари ҳар томонлама ўрганилаяпти. Бу эса банк томонидан янги хизмат турлари жорий қилинишида қўл келаётир.

Таъкидлаш керакки, бозор иқтисодиёти шароити тадбиркорлардан тезкорлигу топқирликни, ҳар қандай вазиятга мослашувчанликни талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида, банклар зиммасига алоҳида масъулият юклаб, ишбилармонларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, хизмат турларини уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб таклиф этишни тақозо қилади. Яъни улар фақатгина кредит берадиган ташкилот сифатида фаолият юритиши эмас, балки чуқур молиявий-иқтисодий таҳлилга эга, мижозларга тўғри маслаҳат ҳамда йўналиш бера оладиган ишончли ҳамкорга айланиши керак.



"Ипотека-банк" шу мақсадда изланиб, давлат дастурлари ижросини таъминлаш, тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳаларини рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Кредит маблағлари, асосан, тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолияти учун зарур минитехнологиялар ҳамда замонавий асбоб-ускуналар сотиб олишга, маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, маиший хизмат кўрсатишни ривожлантиришга йўналтирилаяпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан, ажратилаётган кредитлар ҳажми муттасил равишда оширилмоқда. Натижада жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, соҳа равнақига 332,6 млрд. сўмлик молиявий ёрдам берилди. Шундан 97,9 млрд. сўми микрокредитлардир.

Оилавий бизнес, ҳунармандчилик ҳамда касаначилик ривожи хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишда жуда муҳим ўрин тутади. Шу боис мазкур соҳаларга киритилаётган инвестициялар ҳажми кўпаймоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган беш ойида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 81,7 млрд. сўмлик, оилавий бизнес вакиллари ҳамда ҳунармандларга эса 5,7 млрд. сўмлик микрокредитлар йўналтирилди.

Бундан ташқари, тадбиркор аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлашга 52,9 млрд. сўмлик, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнесга кенгроқ жалб қилиш учун қарийб 9,2 млрд. сўмлик, ёш оилаларга ўз бизнесини ташкил этиши учун 5,5 млрд. сўмлик, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга 110,4 млрд. сўмлик, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун эса 61,2 млрд. сўмлик кредитлар берилди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 июлдаги "Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талаблари асосида банк йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаб, тезкор равишда молиялаштирмоқда. Жумладан, 2016 йилнинг 1 июнигача 302,3 млрд. сўмлик сармоялар ана шундай лойиҳалар ижроси йўлида сарфланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 6 майдаги "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, хизматлар кўрсатиш жараёнини мижозлар талабини инобатга олиб ташкиллаштириш, маркетинг хизмати ролини кучайтириш, молиявий барқарорлик ҳамда ликвидликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаяпти. Ушбу жараёнда миллий ҳамда халқаро стандартлар, Базель қўмитаси тавсияларига қатъий риоя қилинаётгани эса эришилаётган ютуқларнинг бош омили бўлаётир.

Умуман, банк хизматлари туфайли тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб, улар иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларида муваффақиятли фаолият юритаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Қуйидаги дил сўзлари бунинг исботи, десак, муболаға эмас.

## МИЖОЗЛАР ЭЪТИРОФИ

**Шерзод ЖЎРАЕВ, «Medstandart» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Юртимизда кичик бизнес ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, айниқса, уларнинг истиқболли лойиҳалари банклар томонидан имтиёзли равишда молиялаштирилаётгани юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, маҳаллийлаштириш кўламини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Масалан, бизнинг корхонамизда фармацевтика саноати учун зарур бўлган импорт ўрнини босувчи шиша ампула ва флаконлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бунда "Ипотека-банк"нинг Яккасарой филиали томонидан ажратилган кредитлар қўл келди.

Гап шундаки, охирги уч йилда ушбу молия муассасасидан 4 млрд. сўмлик кредитлар олиб, ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик янгилашга, фаолиятимизни кенгайтиришга муваффақ бўлдик. Натижада иш самарадорлиги ортиб, ойига 20 — 30 минг дона ўрнига 1 миллион дона турли ўлчамдаги шиша ампула тайёрлаш имконияти пайдо бўлди.

Ҳозирги пайтда корхонамизнинг барча ишлаб чиқариш цехи хорижнинг энг замонавий технологик линиялари билан жиҳозланган. Улар ёрдамида 140 кишилик жамоамиз томонидан юқори сифатли маҳсулотлар тайёрланаяпти. Натижада нафақат юртимиз, балки хориждан ҳам кўплаб буюртмалар олаяпмиз. Ўтган йили 100 минг АҚШ долларилик экспорт амалиёти бажарилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Жорий йилда мазкур молия муассасасидан яна 700 млн. сўмлик кредит олиб, қўшимча лойиҳаларни амалга оширмоқчимиз. Бунинг эвазига маҳсулотларимиз тури яна 3 тага кўпайиши, ички бозорда талаб катта бўлган 50 — 100 мл.ли шиша ампулалар ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши кутилаётгани қувонарлидир.

**Темур МИРЗАЕВ, «Интеграл сервис люкс» оилавий корхонаси раҳбари:**

— Аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини кўпайтириш, қисқача айтганда, турмуш фаровонлигини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши катта. Шу боис юртимизда иқтисодиётнинг мазкур жабҳасини тараққий топтириш учун барча шарт-шароит яратиб берилаяпти. Биз ҳам ушбу қулайликлардан самарали фойдаланиб, бундан 20 йил муқаддам хусусий корхонамизга асос солган эдик.

Дастлаб оила аъзоларимиз билан аҳолига икки-уч хил маиший хизмат кўрсатган бўлсак, бугунги кунда ишчилар сони 75 нафардан, тақдим қилинаётган хизмат турлари эса 14 хилдан ортди. Шунингдек, кўплаб ёшларга турли касб-ҳунар сир-асрорлари пухта ўргатиб келинаяпти.

Жамоамизнинг асосий қисмини коллеж битирувчилари ташкил этади. Уларнинг салоҳияти, саъй-ҳаракати ва изланишларини инобатга олиб, замонавий хизмат турларини ривожлантиришга қарор қилганмиз. Бу жараёнда "Ипотека-банк"нинг Андижон филиали молиявий жиҳатдан кўмак бериб турибди. Хусусан, шу йил бошида ушбу банк томонидан ажратилган 200 млн. сўмлик сармоядан унумли фойдаланиб, бир неча янги хизмат турлари кўрсатила бошланди, мавжудларининг эса сифати янада яхшиланди.

"Ипотека-банк" билан кўп йиллик ҳамкорлигимиз муваффақиятларимизнинг пойдевори бўлиб хизмат қилаётган экан, алоқаларни бундан кейин ҳам мустаҳкамлайверамиз.

**Гулчеҳра ШУКУРОВА, «Jamshid Javohir Agrotex» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Саноатнинг шундай тармоқлари борки, уларнинг ривожини хотин-қизларимиз меҳнатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Тикувчилик ана шундай йўналишлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда кўплаб опа-сингилларимиз мазкур нозик касб сирларини пухта ўзлаштириб, бунинг ортидан яхшигина даромад топишмоқда. Натижада ҳам оиласига, ҳам жамиятга катта наф келтираяпти. Мен уларнинг бир илғор вакили эканлигимдан доимо ғурурланиб юраман.

Шу ўринда айтиш жоизки, тикувчиликни ривожлантиришга қаратилган бизнес лойиҳамизни амалга оширишимизда "Ипотека-банк"нинг Хоразм вилояти филиали томонидан берилган 300 млн. сўмлик сармоя қўл келди. Ушбу маблағдан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозирги пайтда буюртмачиларга ойига 12 млн. сўмлик маҳсулот етказиб бераяпмиз.

Айни пайтда корхонамизда 36 киши доимий иш билан таъминланган бўлса, шунинг тенг ярмини коллеж битирувчилари ташкил этади. Замонавий дастгоҳларни моҳирлик билан бошқараётган бу ёшларни кўриб, ҳавасим келади. Уларнинг ғайрат-шижоати, билиму салоҳияти кишига илҳом бағишлайди.

Шу кунларда фаолиятимизни кенгайтириб, янги йўналишларни ўзлаштириш ҳаракатини бошлаб юбордик. Бу жараёнда яқин ҳамкоримиз — "Ипотека-банк"нинг молиявий кўмагига суянамиз.

**Мустақим ТЎХТАЕВ, Бухоро вилоятидаги «Рушан текс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Президентимиз ташаббуси билан қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, молиявий хизматлар кўрсатиш сифати ҳамда тезкорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар замирида халқ фаровонлигини таъминлаш, аҳоли ҳаёт даражасини юксалтиришдек эзгу мақсадлар мужассам. Бунинг яққол ифодасини вилоятимиздаги кенг кўламли ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари мисолида кўриб-билиб турибмиз. Айниқса, банк тизимининг самарали фаолияти тадбиркорлар муваффақиятига мустаҳкам асос бўлмоқда. Ўзимиздан қиёс. Бизнес фаолиятимизни "Ипотека-банк"нинг молиявий ёрдами билан 2012 йилда бошлаган бўлсак, ўтган қисқа даврда бир неча маротаба имтиёзли кредит олиб, ишимиз кўламини кенгайтиришга эришдик.

2015 йилда қўшимча қувватларни ишга тушириш бўйича бизнес-режа тузгач, уни молиялаштиришни сўраб, "Ипотека-банк"нинг "Сардор" филиалига мурожаат қилдик. Ҳужжатларимиз билан яқиндан танишган банк мутахассислари имтиёзли шартларда 5 йил муддатга 4 млрд. сўм миқдорида кредит ажратишга қарор қилишди. Мазкур сармоя эвазига хориждан 2 та замонавий ип йигирув дастгоҳини келтирдик. Бундан ташқари, керакли миқдорда хом ашё сотиб олиниб, пахта толаси юқори унумли технологиялар асосида қайта ишлана бошланди.

Буларнинг барчаси иш самарадорлигини юксалтириш, маҳсулотларимиз сифатини янада яхшилаш, уларни жаҳон стандарти талабларига мослаштириш имконини бераяпти. Пировардида буюртмачиларимиз сафи тобора кенгайиб, тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам ички, ҳам ташқи бозорга сотилмоқда.

Келгусида режаларимиз кўп. Уларни амалга оширишда салоҳиятли ҳамкоримизга айланган "Ипотека-банк" яқиндан кўмак беришига ишончимиз комил.

* * *

Юртимиз молия-банк тизимида ўсиш ва барқарорлик кўзга яққол ташланмоқда. Бунга юртимиз молиявий хизматлар бозорида бой тажриба тўплаган "Ипотека-банк" фаолияти мисолида яна бир карра гувоҳ бўлдик. Зеро, мазкур молия муассасаси истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси сифатида иқтисодиётнинг барча тармоғини ривожлантириш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, мижозларга замонавий банк хизматлари кўрсатиш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, иқтисодиётимиз рақобатдошлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Банк матбуот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 767. 75 926 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — А. Султонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6